

Аллоҳ таолодан умид қилиш ва яхши гумонда бўлиш



13:52 / 30.09.2025 1316

Аллоҳ таолодан хавф ва қўрқиш билан бирга раҳматидан ўзи учун яхшиликлар умид қилиш ҳам жуда улуғ амалдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

????? ?????? ???????? ????? ???????? ???????????

????????

«Албатта Аллоҳ таолодан яхши гумонда бўлиш ҳам Аллоҳ таолога гўзал ибодатдир» деганлар.

Имом Табароний ривояти.

Бир ҳадиси қудсийда шундай дейилади:

??????? ?????? ?????????? ?????? ??????? ??????

????????? ??? ?????????? ??????? ?????? ?????????????? ???????

????????????? ??? ??????????? ??????????????? ??? ??????????

??????? ?????????????? ??? ??????? ?????????????????? ??? ???????

??????? ?????????????? ??????? ?????????????????? ??????????

?????????? ?????????????????? ??????????? ?????????????? ???????

????????????? ??????????? ?????????????? ?????????????????? ???????????

??????? ?????????? ?????????????? ??????????? ??????????????????

??????????????

Аллоҳ таоло айтади: «Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман. Агар Мени эсласа, у билан биргаман. Агар у Мени ўзи эсласа, Мен ҳам уни Ўзим эслайман. Агар у Мени бир жамоат ичида эсласа, Мен уни ундан яхшироқ жамоат ичида эслайман. Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир зироъ яқинлашаман. Агар у менга бир зироъ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у Менга юриб келса, Мен унга чопиб бораман».

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти.

Хуллас, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда Аллоҳ таолонинг раҳматидан умид қилиш ҳақида кўп фазилатлар ворид бўлган. Бунинг маъноси шуки, инсон имкони борида, Аллоҳ таолонинг аҳкомларига мувофиқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилиши керак. Шундай ҳаракати бўлишига қарамасдан, гуноҳ ва хатолар содир этиб қўйганда, Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлинади. Лекин Аллоҳ таолонинг буйруқларидан буткул ғафлатда бўлса, ўзини ўнглашга ҳаракат қилмаса,

нафсоний хоҳишларини жиловламаса, энди бу банда Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиши нотўғри. Бундай орзумандлар ҳадиси шарифларда қораланган. Энг тўғри иш эса, ўзини ислоҳ қилишни ўйлаш билан бирга, Аллоҳ таолодан умид қилиш ва қўрқиш, яхши гумонда бўлиш ва Унинг раҳматидан умидвор бўлиш, яъни хавф ва ражо мақомида туриш.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлим тўшагида ётган бир ёш йигитнинг уйига ташриф буюрдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан: «Нималарни ҳис қиляпсан?» деб сўрадилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули! Мен Аллоҳ таолодан жуда кўп умид қиляпман, лекин шу билан бирга, гуноҳларимдан қўрқяпман ҳам» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси мўминнинг қалбида ушбу икки нарсa жамланса, Аллоҳ таоло унинг умидини тўлиқ беради ва унга хавфидан омонлик беради», дедилар.

Имом Термизий ривояти.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/1912-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.